

БАА масжидларида кечки намозлар қайта тикланмоқда



12:30 / 03.05.2021 1225

Муборак Рамазон ойининг сўнги 10 кунда Бирлашган Араб Амирликларининг масжидлари кечки намоз - Қиёмул-Лайл (Қадр кечаси) учун очик бўлади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Намоз пайтида карантин қоидаларига риоя қилинади, дея хабар беради Фавқулодда вазиятларни бошқариш миллий агентлиги (НСЕМА).

Намоз ярим тундан 00: 30 гача ўқилади, ибодат тугагандан сўнг масжидлар ёпилади ва қолиш тақиқланади. Қариялар ва сурункали хасталикка чалинганларга масжидларга боришдан сақланиш ва уйда намоз ўқиш тавсия этилади. Бу йил белгиланган қоидаларга кўра, намозхонлар масжидларда ниқобда бўлишлари ва ижтимоий масофани сақлашлари керак бўлади.

Масжидга ташриф буюрувчилар ўзлари билан жойнамоз олиб келишлари, қўл бериб кўришмасликлари ҳамда ижтимоий масофани сақлашлари талаб этилади.

Муборак ойда масжидларда озиқ-овқат, сув шунингдек ниқоб тарқатиш тақиқланади. Кун давомида масжидларда дезинфекция ишлари олиб борилади. Маърузалар ва семинарлар виртуал форматда ўтказилади, деб хабар бермоқда Khaleej Times газетаси.

Баҳодиржон қизи таржимаси.